

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

Аҳоли ва ҳудудларни сел-тошқин ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ  
фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг оқибатларини  
бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида

Тошқин ва сел оқимлари келтириши мумкин бўлган зарарни камайтириш, кўчкиларнинг олдини олиш, уларнинг оқибатларини тезкорлик билан бартараф этиш ва бу борада олиб борилаётган муҳофаза ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Қор кўчишлари, тошқин ва сел оқимлари хавфсиз ўтишини таъминлаш, кўчки ҳодисалари хавфини камайтириш бўйича ҳукумат комиссияси (бундан кейин - Тошқинга қарши ҳукумат комиссияси) таркиби тасдиқлансин.

2. Тошқинга қарши ҳукумат комиссияси:  
бир ҳафта мuddатда 2006 йил баҳор-ёз даврида қор кўчишлари, тошқинлар, сел оқимлари ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича асосий чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда унинг бажарилишини таъминласин;

2006 йил 15 мартгача Ўзгидромет ва Давлат геология кўмитасининг тегишли хизматлари маълумотлари асосида хавфли ҳудудларда жойлашган хўжаликлар рўйхатини белгиласин ва уни мунтазам аниқлаштириб босин, мазкур ҳудудларда яшайдиган аҳолини вақтинча кўчириш ёки (зарурат бўлса) республиканинг хавфсиз ҳудудларига доимий яшаш учун босқичма-босқич кўчириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин;

аҳоли ва ҳудудларни хавфли гидрометеорологик ва геологик жараёнлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича режада кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишда давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органлари, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг муассаса ва ташкилотлари самарали ҳамкорлик қилишини ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришини таъминласин.

3. Ўзгидромет (В.Чуб) ва Давлат геология кўмитаси (Н.Ахмедов):

2006 йил 20 февралгача Тошқинга қарши ҳукумат комиссиясига, вилоятлар ва шаҳарлар ҳокимликлари хавфли ҳудудларда жойлашган хўжаликлар, аҳоли пунктлари ва одамлари вақтинчалик кўчирилиши ёки кўчириб кетилиши зарур бўлган бошқа объектлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этсин,

гача бўлган даврда мунтазам аэровизуал рекогносцировка олиб босин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

бир ҳафта мuddатда хавфли гидрометеорологик ва геологик ҳодисалар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар пайдо бўлиши таҳдидларига қарши ўз вақтида чора кўриш ҳамда аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бўйича ишларни тезкор ташкил этиш ва бошқариш учун вилоят ва туман (хавфли туманларда) штаблари ташкил этсин; мазкур штабларни зарур миқдорда транспорт воситалари, ёкилиги-мойлаш материаллари ва алоқа воситалари билан таъминласин;

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2006 йил 15 мартгача хавфли участкаларни аниқлаш учун гидрометеорологик, кўприклар, қирғоқлар, дарёлар ўзгариш ва сойларнинг ҳолатини ўрганиб чиқсин, уларни тозалаш ва мустаҳкамлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган муҳофаза чоралари ва авария-тиклаш ишлари бажарилишини таъминласин;

рухсатсиз қурилиш ва норузда материаллар қазиб олиш, дарёлар ўзгаришда бошқа хўжалик фаолиятини олиб бориш оқибатда дарёлар, каналлар ва сойларнинг сув ўтказиш имкониятлари камайиши ҳолларига йўл қўймасин ва бунинг қатъий олдини олсин;

Давлат геология кўмитаси ва Ўзгидромет кўрсатмалари асосида хавфли ҳудудлардан кўчирилиши зарур бўлган хўжаликлар аҳолисининг ўз вақтида ва бехатар кўчирилишини таъминласин. Хавфсиз жойларга кўчирилган кишиларнинг ҳаёт кечириши ва муносиб турмуш учун зарур бarcha шароитларни яратсин, улар орасида тегишли тушунтириш ишларини олиб босин;

жойлардаги давлат ҳокимияти органлари балансида турган дарё ўзгариш ва сойлар қирғоқларини мустаҳкамлаш ва уларни тозалаш чора-тадбирларини молиялаш асосланган ҳисоб-китоблар бўйича маҳаллий бюджетлар захира фонди маблағлари хисобидан амалга оширилсин.

5. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (С.Исмоилов),

“Давсувхўжаликназорат” инспекцияси (Т.Қамолов):

бир ой мuddатда гидрометеорологик иншоотларнинг (каналлар, дамбалар ва сел йўллари) сел ва тошқин сувларини хатарсиз ўтказиб юборишга тайёригини текширсин;

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва “Ўзбекэнерго” давлат акционерлик компанияси билан ҳамкорликда 2006 йилнинг 15 мартгача ўзгариш сув омборларини текширсин сел ҳамда тошқин сувларини хавфсиз қабул қилиш ва хатарсиз ўтказиб юборишга доимий тайёригини кафолатловчи иш тартибини таъминлаш устидан назорат ўрнатсин, тошқинлар бошланганда ҳар бир ўзгариш сув омборида рухсат этилган энг юқори ҳажмининг камида 30 фоиз миқдорда бўш жой мавжуд бўлишини таъминласин;

сел ва тошқинлар пайтида жойлардаги барча бўлимларда раҳбар ходимларнинг туну кун наобатчилигини ва сув хўжалиги объектларининг хавфсиз ишлашини назорат қилишни таъминласин.

6. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (Б.Субанов):  
вазирлиқнинг ҳудудий бошқармалари шахсий таркибини сел ва тошқинлар юз берадиган давр мобайнида қўйайтирилган иш тартибига эътиборини қўйиб, қидирув-қутқарув бўлимлари ва тезкор гуруҳларнинг хавф ёки фавқулодда вазиятлар юзгача келган ҳолатларда белгиланган вазифаларни бажаришга доим тайёригини таъминласин;

хавфли гидрометеорологик ва геологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятларни кузатиш бўйича маълумотларни тўлқинини ва таҳлил қилиш, фавқулодда вазиятлар юзгача келиши хавфини камайтириш ва ушбу ҳолатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларга доир тақлифларни Тошқинга қарши ҳукумат комиссиясига ўз вақтида тақдим этсин;

Ички ишлар вазирлиги ва Ўзгидромет билан биргаликда фавқулодда вазиятлар юзгача келишининг мониторингини амалга ошириш ва бундан ўз вақтида хабардор қилиш мақсадида ўлпирилиш хавфи мавжуд бўлган тоғ кўллари кузатиш учун тегишли техника ва сифатли алоқа восит

талари билан жиҳозланган муваққат постларни ўз вақтида ташкил этишни таъминласин;

Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда хабардор қилиш тизимининг пухта ишлашини, фавқулодда вазиятлар хавфи тўғрисидаги ахборот ва сигналларни ўз вақтида етказиш ва тегишли вазирликлар, идоралар, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ҳамда аҳолини хабардор қилишни таъминлашга доир чораларни кўрсин;

2006 йилнинг баҳор-ёз мавсумида сел, тошқин ва кўчки хавфи мавжуд бўлган участкаларда тегишли кўникмаларни машқ қилиш ва зарур ҳимоя ишларини амалий бажариш мақсадида махсус тактика машғулотларини ўтказсин;

Тошқинга қарши ҳукумат комиссияси қарорларининг бажарилишини самарали мувофиқлаштириш ва қатъий назорат қилишни таъминласин.

7. Ички ишлар вазирлиги (Б.Матлубов) жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, дахлдор вазирлик ва идора билан ҳамкорликда табиий хусусиятга эга фавқулодда вазиятлар хавфи юзгача келган аҳоли (жумладан, қўчирилган шахсларнинг мuddатдан олдин қайтиши), транспорт воситалари ва техникани хавфли участка ва ҳудудларга қўймаслик мақсадида йўллар, транспорт коммуникацияларида қўшимча постлар ва огохлантирувчи белгилар қўйилишини таъминласин.

8. Ташқи ишлар вазирлиги (Э.Ғаниев) 2006 йилнинг 1 апрелигача Ғирғизистон ва Тожикистон ҳукуматларидан Ўзгидромет бўлимлари томонидан ушбу мамлакатлардаги тоғолди ва тоғли ҳудудларда қор захираси ҳажмини аниқлаш, тоғ кўллари баҳолаш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги участкаларга хавф тўғрисида сел, тошқин ва кўчки хавфи бўлган зоналарни аниқлаш мақсадида аэровизуал текширишларни ўтказиш учун рухсат олиш ҳамда уларнинг ҳолатини биргаликда мониторинг қилиш масаласини тегишли тартибда ҳал этсин.

(Давоми 2-бетда)

Буюк даҳога эҳтиром

Мамлакатимизда буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 565 йиллиги кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан пойтахтимиздаги Ўзбекистон миллий боғида бўлиб ўтган тадбирда жамоатчилик вакиллари, зиёлилар, талабалар, юртимиздаги дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Абдулла Орипов истиқлол йилларида Алишер Навоий даҳосига эҳтиром кўрсатиш, асарларини чуқур ва мукаммал ўрганиш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилганини таъкидлади. Зеро, ул зот ўз асарларида тараннум этган эзгу гоёлар мустақил Ватанимизнинг бугунги ҳаёти, озоод халқимизнинг истиқболли орзу-мақсадларида ўз ифодасини топмоқда.

Навоийшунос олим Қодиржон Эргашев, Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Фарит Мухаметшин, шоир Мирпўлат Мирзо ва бошқалар Алишер Навоий мероси нафакат халқимиз, бутун башариятнинг бебаҳо маънавий мулкига айланганини қайд этдилар. Айни пайтда улғу мутафаккир ўз асарларида тараннум этган эзгу гоёлар бутун инсониятни тинчликка, ҳамжиҳатликка давлат этиб келаёттир.

Тадбирда буюк шоир асарларидан намуналар янгради. Алишер Навоий ёдгорлиги пойига гуллар қўйилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

Шу куни пойтахтимиздаги шоир номи билан юритилувчи кўчада - Шоирлар хибонада мушоира бўлиб ўтди.

Алишер Навоий ҳазратлари таваллуд ку-



нига бағишланган учрашувлар, анжуман ва кечалар юртимизнинг барча вилоятлари, олий ўқув юртлари, кутубхоналар, маънавият масканларида давом этмоқда.

Назозат УСМОНОВА  
ЎЗА мухбири.

Ернинг муносиб эгасини топиш  
— долзарб масала

Лойиҳалар  
талабгорларни кутмоқда

Тоғли ва камсув минтақада жойлашган Янгикўргон тумани бог-узумчилик ва сабзавотчиликка ихтисослашган. Кейинги 4-5 йил ичида ҳосил олиш қийин кечмоқда, айниқса, картошка етиштириш орқага кетди. Бу борада вилоятнинг ҳам асосий таъминотчиси Янгикўргон эди, оқибатда бозорда картошканинг ҳам қилоси ярим минг сўмга чиққан, олма-узумнинг ҳам нархи баланд.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 11 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислох қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори туманда мамнуният билан қутиб олинди.

Хозир туманда 11 та махсус комиссия ширкат хўжаликлари тугатиш бўйича иш олиб бормоқда. Бу ширкатлар ўрнида 1900 га яқин бог-узумчиликка, салкам 300 та сабзавот-картошқачиликка ва 530 та пахта-галла етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари ташкил этилади.

Тўйчи Нейматов номли ширкат хўжалигини тугатиш комиссияси иш олиб бораётган идора доимо одамлар билан гавжум. Ҳамма эълолар доскасидаги харита ва кўпдан-кўп билдирувлар билан танишмоқда. Тўқсон ёшли Садр бобо билан суҳбатлашиб қолдик:

- Етимш беш йилча бурун ўспирин эдим,- дейди қария. - Ўша пайтда одамларни тўлаб, колхоз бўлсан, деб мажбур қилишган, кўнмаганлар сургун бўлган эди. Қаранг, ўша мулклар энди ўз эгаларига ё уларнинг бола-чақаларига қайтарилмоқда.

Комиссия раиси Нейматовнинг Масаидовнинг айтишича, ширкат ишчилари хатто январнинг иш ҳақини олишган, оз-моз колпанаман қарз омбордаги маҳсулот билан ёпилади. Бог-тоқзорларнинг, бошқа асосий воситаларнинг қиммати савдосидан камиди 130 миллион сўм маблаг тушади. Пайчиларнинг 13 миллион сўм улуши бўлиб, ҳалиги пул пайчиларга тақсимланганда, ҳар бир сўмига 10 сўмдан ҳисса тегади.

- Бу қимматли савдоси голиби бўлганларнинг бог-тоқзорларга пул тўлашини ҳам енгиллаштирадиган, - дейди Н.Масаидов. - Негаки, бир-икки миллион сўмлаб улуш оладиган пайчилар боп.

Т.Нейматов номли ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш бўйича иш олиб бораётган махсус комиссия лойиҳаларини яқунлаб, 5 февралдан ариза қабул қила бошлаган. Икки кунда ҳусусий бог ва тоқзор эгаси бўлиш иштиёқидаги 21 киши ариза берди.

(Давоми 2-бетда)

Хоразм  
томонларда

Манбалар  
сўзлайди

Шу кунларда вилоятда Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллигини ўтказиш учун тайёргарлик ишлари қизғин пайлаб киради.

Тантана муносабати билан Хива шаҳридаги қайта ташкил қилинган мазкур даргоҳда “Дорул ҳикма ва маориф”нинг дастлабки фаолиятини акс эттириш мақсадида махсус музей ташкил қилинмоқда. Унга академияда сақланган ва Хива шаҳар “Ичан қалъа” давлат музей қўриқхонаси захирасида мавжуд бўлган қўлёзма асарлар ва экспонатлар қўйилади. Шунингдек, Хоразм Маъмур академияси дастлаб фаолият кўрсатган Қўша Урганчада археологик ёдгорликлар, буюк аллома Шайх Насриддин Қубро, хоразмшоҳлар - Текеш ва Эл Арслон, Тўрабеконим макбаралари, Қутлуг Темур миносари, Карвонсарой қўринишлари музейда ўз аксини топади.

95 фоиз тола  
хорижга

Шовот пахта тозлаш заводи жамоаси ўтган мавсумда қабул қилган 32959 тонна маҳсулотнинг 84 фоизини юқори навли пахта ташкил қилган.

Бу айни пайтда тола чикими ва сифатини юқори бўлишини таъминлаётти. Шу кунгача қайта ишланган 15198 тонна ҳам ашёдан 4904 тонна тола олинган бўлиб, натижа қўланганидан ҳам юқори бўлаяпти. Шу боис ҳам шовотлик қайта ишловчилар маҳсулотнинг 95 фоизини хорижга жўнатишмоқда.

Холмурод ҚУРБОНОВ

14 феврал — Заҳириддин  
Муҳаммад Бобур  
туғилган кун



Қилмиш-қидирмиш

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳалол тадбиркорлик юртиш учун барча имкониятлар ва имтиёзлар яратилган.

Афсуски, мана шундай имконият ҳамда имтиёزلардан тўғри фойдаланмай, фақат ўз нафсини ўйлаб, даромадидан солиқ тўлашни “унутиб”, нақд пул тушумини яширишга уринаётган тад-

Яширилган  
даромад

биркорлар ҳам хануз орамизда учраб турибди.

Ана шундай «учарлар» сирасига «BEST ROMAN KOSH» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ш.Шарипов ва бош ҳисобчи Т.Лазареваларни қиритиш мумкин. Чунки улар ўзаро тил бириктириб, қисқа вақт ичида шунчалик кўп миқдорда оқонуний ишларни амалга оширишганки, қўриб-эшитиб ҳайратга тушасиз.

(Давоми 3-бетда)

Репродуктив  
саломатлик

У фақат аёлларга тааллуқлими?



Миллий ҳамда четда навалтасида барча банк қизматлари Сизнинг мунофақиятингиз учун! «Пажина-Банк» - фаровонлигиниз бақилиши

Хушхабар

“Ўздэуавто” Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасида янги русумдаги “Дамас В-150” автомобили ўзлаштирилди. Ушбу машина аввалгисидан кўра хавфсиз ва шинам.

Ташқи кўриниши ҳам ўзгариб. Автомобилнинг олд қисми 265 миллиметр узайган. Бошқарув мосламалари эса хайдовчи учун анча қўлайлаштирилган. Янги “Дамас”нинг олдинги ва орқа чироклари биллурдан тайёрланган. Бирок ушбу ўзгаришларда энг асосий эътибор хайдовчи ва йўловчилар хавфсизлиги-

“Ўздэуавто”нинг  
янги автомобили

га қаратилган.

Янги “Дамас”ни ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни модернизация қилинди. Пресслаш Ҷеихада 4 та пресслаш қолиғи ўзгарттирилди. Пайвандлаш Ҷеихада янги линия ишга туширилди, мавжудлари модификация қилинди. Йиғиш Ҷеихада ҳам ўзгарттишлар амалга оширилди.

Барча ишлар нисхосига етгач, ўтган йилнинг декабри охирида тахриб автомобиль ишлаб чиқарилиди. Феврал ойида эса 80 та янги русумдаги машина ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Таҳминан май ва июнда янги “Дамас” эскисининг ўрнини тўлиқ эгаллайди.

(ЎЗА)

«Қўшиқ қалбни  
уйғотади»



# Аҳоли ва ҳудудларни сел-тошқин ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида

**(Боши 1-бетда)**  
Молия вазирлиги (Р.Азимов) белгиланган тартибда Ўзгидрометга Вазирлар Маҳкамасининг заҳира фондидан чегарадош давлатлар ҳудудидаги тоғлиқ ва тоғли туманларда аэровизуал текшириш ишларини ўтказиш учун 101 миллион сўм миқдорда мақсадли йўналтирилган маблағ ажратсин.

9. Соғлиқни сақлаш ва-

зирлиги (Ф.Назирова) вақтинчалик ва доимий яшаш жойларига кўчирилган аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни ва бу жойларда санитария-эпидемиология назоратини таъминласин. Фавқулодда вазиятлар ҳисобга олган ҳолда дори-дармон, санитария-гигиена ва эпидемияга қарши воситаларнинг етарли дара-

жадаги захирасини ташкил этсин.

10. "Ўзавтотўй" давлат акционерлик компанияси (М.Абдуллаев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда А-373 "Тошкент-Ўш" автойўлининг "Қамчик" домини участкасида одамлар ва транспорт воситалари ҳаракати хавфсизлигини ташкил этиш мақсадида муҳандислик-техник муҳофаза тадбир-

лари бажарилишини таъминласин. Республиканинг бошқа ҳудудларидаги автойўллар табиий ҳодисалар оқибатида бузилган ҳолларда уларни қайта тиклаш учун зарур куч ва воситалар таъин қилиниши таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги "Тошқин сувларини, сел оқимларини ўтказиб юбориш ва

кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини тугатиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

12. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2006 йил 9 феврал

## Боққа қарасанг, бол беради

**Боёвут туманидаги "Ширин", "Боёвут-1", "Галаба" хўжалиқлари фермер хўжалиқларига айлан-тирилмоқда. Танловни холис, адолатли ўтказиш учун зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.**

"Ширин" хўжалиги асосан мева-сабзавотчиликка ихтисослашган бўлиб, 326 гектар ери мавжуд. Шундан 183 гектари боғ ва тоқзорларни, 119 гектари очик майдонни ташкил этади, - дейди хўжаликни қайта ташкил этиш комиссияси раиси Ш.Усмонов. - Дебитор-кредитор қарзлар ҳисоб-китоб қилинди. Асосий воситалар қайта рўйхатдан ўтказилди. Тугатилган хўжалик ўрнида 47 та фермер хўжалиги ташкил этилиши кўзда тутилган. Шундан 5 таси очик майдонга, қолган 42 таси боғ ва тоқзорлар бўйича ташкил этишга мўлжалланган. Шу кунгача фуқаролардан 113 та ариза қабул қилинган.

Боғ ва тоқзорларнинг кўчатига, ҳолатига қараб гектарига 300-400 минг сўм қилиб белгиланди. Шу кунгача 39 киши ким ошди савдосида қатнашиб, 145 гектар боғ майдонни ёпиқ ким ошди савдосида сотилди. Махсус ҳисоб рақамига 36 миллион сўм маблағ тушди.

Очиғини айтиш керак, "Ширин"даги боғ ва тоқзорлар аҳоли хаминқадар бўлиб қолган. Боғлардан олинган даромад ҳам ўзини оқламай қолди. Мисол учун боғлар ва узумзорлардан ўтган йили 12 миллион 441 сўмлик даромад олинди, ҳолос. Бир пайтлар эса бу боғлардан баракали ҳосил олинган. Сар-

хил меваларни эса Россияга ҳам сотишган.

- Ҳақиқатан ҳам илгари сөрхосил боғларимиз бор эди, - дейди "Ширин" маҳалласи оқсоқоли Исмаилло Мирзонов. - Кейинги йилларда боғлар бузилиб кетди. Сабаби, ерларни шўр босди. Иккинчидан, ёнимизда Сирдарё ГРЭСи бор. Ундан чиққан чикинди туўнлар 53 гектар узумзорни хароб қилди. Бу томондан эса Бекобод металлургия заводидан чиққан чанг боғларимиз устига қўйиб, ҳосилга путур етказаяпти.

- Узоқ йиллардан бери шу хўжаликда боғбон бўлиб ишлаб келяпман, - дейди Сайдулло Жўлаев. - Боққа қарасанг, боғ бўлади, қарамсанг юракка доғ бўлади. Илгари пудратчи бўлган бўлсам, мана, ҳозир 4 гектар боғни сотиб олдим. Биз томонларда нок, беҳи, олма, олхўри, анжир, анор яхши бўлади, ҳамма иш боғбонга боғлиқ. Ишқилиб, боғбон боғ оралаб, ниқоллар билан тиллаша билиши керак. Шундагина кўзлаган нарсасини олади.

Энди олган майдонларимизни қўчат билан тўлдириб, яхши суви бериш, шакл бериш лозим. Энди фермер кўлайди, боғлар ҳам эгасини топапти. Водий ва Самарқанд ёки Тошкент томонлардан олиб келинган қўчатлар бизнинг ерларимизга мослаштири қийин бўлади, шу иқлимга мос қўчат еттиштирадиган қўчатчилик питомниги ёки фермер хўжалиги ташкил этилса, яхши бўлади.

-Оиламиз билан 2,4 гектар боғ сотиб

олдик, - дейди Хурсаной Маъмурова. - Илгари шу ерларда пудратчи бўлиб ишлаганман. Танлов адолатли бўлгани учун бизларга боғ теги. Ҳозир боғларимиз яхоб сувиға қондирилган, шакл берганмиз, эрта баҳорда сийрак жойларни тўлдиримиз. Чунки бу боғ бизни боқадми, рўзгор тўкиниги, фаровонлиги шундан. Шундай экан, ўзим учун ишлайман-да.

Фермерларнинг бошини қовуштирувчи, уларни тайёрловчилар билан муносабатини шакллантирадиган, маҳсулотларни қайта ишлайдиган агрофирма тузиш ташкилий чора-тадбирлари қўрилмоқда.

"Боёвут-1" ширкат хўжалиги негизда 162 гектар боғда 74 та ва очик майдонда 80 та фермер хўжалиги, "Галаба" ширкат хўжалигида 5 та бодорчилик, 32 ўсимчилик фермер хўжалигини ташкил этиш бўйича ташкилий ишлар давом этапти. Хўжаликдаги ишчилар орасида тушунтириш ишлари олиб борилиб, талабгорлар қандай ҳужжатлар топишириш тўғрисида стендлар ташкил этилган. Боғларнинг ким ошди савдоси бўйича эълонлар берилган.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Боёвут боғларида ҳаракат бошқача. Боғлар эгали бўлаяпти. Фермерлар боғларни тиклаш, ҳосилдорлигини ошириш бўйича саъй-ҳаракатларини бошлаб юборганлар. Бу ўзгаришлар икки-уч йилда ўз самарасини беради.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

## Жасорат

**Президентимизнинг "Ватан ҳимоячилари кунини" муносабати билан ҳукумат муҳофаза қилиш органлари, Муҳофаза ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини муқофотлаш тўғрисида эълон қилинган Фармониға мувофиқ оддий аскар Маъруф Хайдаров она-юртимиз ҳимояси йўлида қўрсатган жасорати, матонатини учун "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.**



Лавҳамиз қаҳрамони оддий аскар Маъруф Хайдаров камтар, содда, самимий йигит. Уни эртақлардагидек гайритабиий бир кучга эга, деб ҳам бўлмайди. Унда кучи, қаҳрамонлиги нимада, демокчимисиз? Бўрихон аянинг алласи билан гўдаги - Маъруфжони онгига, шуурига меҳр, оқибат, муҳаббат туйғуларини сингди. Бу туйғуларни асраб-авайлашди, "парвариллашди". Бора-бора улар қалб гавҳари бўлган улкан бир туйғуга - халққа, Ватанга бўлган муҳаббатга айланди. У юракдан, қалбдан озқиланди, Ватан иқболни, истиқболни йўлида эзгу ишларга руҳлантирди. Ана шу куч, ана шу гавҳар шундайин нарсаларга қодирки, кези келса тоғни талқон қилади, зарур бўлса юрти тинчлиги йўлида мустахкам қўрғон бўлади.

Йигит 2005 йилнинг баҳоринда Сурхондарёнинг Кумқўрғон туманидан муддатли

### Фахр

ҳарбий хизматга қақирилди. Ўшанда Мунчоктепа қишлоғида аскар тўйи роса авж олган. Ахир ўқитувчи, халққа зиё улашиб келган Жуманазар ақнинг ўғилларидан тўнғичи юрт ҳимоясига отланганди-да. Ахир ўзи тарқатган зиё фарзанди қамолли орқали ўзига қайтаётган эди-да.

Этнига ҳарбий либос кийганида, ҳарбий қасамёд қабул қилганида ўғлон кўз ўнгига халқнинг, кенг жамоатчиликнинг уларни қандайин хурмат, эътибор билан кузатишини, аскарликка қузатишини тўю тантана қилинган турди. Яъни, Ватани - Ўзбекистонни бахт-саодати учун доимо масъулият сезди. Унда фидойилик тушунчаси шаклланиб борди. "Юрт ҳимоясига отланган мендек ўғлонларга шундай ғамғурлик, эътибор берилаётган экан, бунга муносиб бўлишим керак", деган фикр унда бора-бора садоқат, матонатни ҳисил қилди.

Яқинда аскар хизмат қилаётган қисмага боддик. Очиги, посбон қисма муддатли таътилда бўлса керак, деган хаёл ҳам йўқ эмасди. Бу ҳақда сўраганимизда, қисм командири, подполковник Абдулхамид Абдурахмонов шундай деди: "Қисма кўздати ташкил беришни музда тугатдик. Бирок аскарнинг отаси Жуманазар аха унамиди. "Мана, келиб, шарт-шароитларини

қўрдик. Давлат муқофотини олганида қувончига ўзим шериқ бўлдим. Уйга бориб нима қилади? Яқинларига саломини ўзим етказаман. Давлатимизнинг шундайин юксак эътирофига сазовор бўлган экан, янгича куч-ғайрат билан хизмат қилаверсин", деди. Қаранг, аскарларимиз оталари қандай. Юрт ҳимоясидан кўра муқаддас иш йўқлигини қанчалар чуқур англашади".

- Ҳарбий соҳанинг сир-асорларини эгаллашда катта лейтенант Илхом Бегматов, лейтенантлар Мухтор Мамажонов, Шавак Турсуновларнинг хизматлари беқиёс бўлмоқда. Мен ўзини шу муқаддас заминнинг фарзанди ҳисоблаган ҳар бир эр йигит бажариши лозим бўлган ишни қилдим. Муқтақил юрда қамол топапман. Демак, истиқлолимни ҳимоя қилмоғим керак. Обод ва фаровон ҳаётда яшаяпман. Демак, бугунимни, эртанимни ҳимоялашим лозим. Муддатли ҳарбий хизматга Тармиз давлат университетига ҳужжат топшириб, омадим чопмаганди. Аскар бўлиб, ҳаёт мактабидан сабоқ олишга қарор қилиб адаллашган эканман. Мен ўзим учун ҳаёт йўлини энди узиқ-қисил таллаб бўлдим. Келажикда офицер бўламан. Баҳорда тасвиномага билан резервага бўшаши мақсад қилиб қўйганман. Бу менинг олий ҳарбий билим юртига ўқишга қиришмида катта имтиёз бўлади. Ҳозирда биз билан тайёрлов курслари, машғулотлари олиб борилиб, сабоқлар беришмоқда.

Эр йигит бу сўзларини қўқси тўла гурур, фахр билан айтиди.

Маъруфнинг сафдош дўстлари - оддий аскарлар - Олимжон Мусаев, Сўхбатжон Матқубов, Махмуд Назаровлар билан суҳбатлашдик.

- Маъруф бизга ҳамиша ибрат бўлиб келган. Жанговар, ихтимоий-сиёсий тайёр-гарликларда доимо фаол. Бадиий адабиётларни мунтазам ўқийди. Жисмоний машғулотлар билан шуғулланади. Бизни ҳамиша жанговар шай бўлишга, ҳушёрлик, сергаклик билан хизмат қилишга даъват этади, - дейишди дўстлар баралла.

Хайрлашаётиб, оддий аскарнинг нағиҳларида Ватан, Ўзбекистон суратини қўрган-дек бўлдик. Юрғида эса ана шу хилқатни - суратни асраб-авайлашга қодир улкан бир куч муҳассам.

Алижон САФАРОВ, майор.

СУРАТЛАРДА: оддий аскар Маъруф Хайдаров, Ярослав КОРУКА олган суратлар.



Андижонда алюминдан эшик-ром тайёрловчи цех ишга тушганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин, шунга қарамай, ўтган йили цех жамоаси 1 миллиард 690 минг сўм даромад олди. Бу ерда барча ишлар ҳориқдан келтирилган замонавий техника воситалари ёрдамида амалга оширилмоқда. Бу эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатининг юқори бўлишини таъминламоқда.

СУРАТДА: устоз ва шоғирд Эгамберди Абдуллаев ва Мансур Мадиевров.

Б.АКРАМОВ олган сурат.

**Мамлакатимизда ўтган йилнинг "Сихат-саломатлик йили", деб эълон қилиниши муносабати билан махсус давлат дастури тузилганидан барча хабардор, албатта. Унда кўзда тутилган тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилиши ва бу йил ҳам бу жараён давом этмоқда. Асосий эътибор оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом оилани шакллантириш, репродуктив соғлиқни яхшилашга қаратилмоқда.**

Репродуктив саломатлик - инсоннинг зурриёт қолдиришга доир ақлий, жисмоний ва иқтимоий етуклик белгисидир. Бу вояга етмай оила қуришининг олдини олиш, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибат-

Шунинг 20 миллион нафарида бу жараён хавф остида амалга оширилди. Энг фожиали томони шундаки, ҳар йили аборт оқибатида дунёда 78 минг аёл ҳаётдан кўз юмади. Яна бир мисол. Жаҳон бўйича ҳар дақиқада ҳимила сабабни бир аёл вафот этади. Бу мисоллар репродуктив саломатлик масаласига эркаклар эътиборини ошириш заруратини кўрсатади.

Кузатишларимиз кўрсатаптики, эркаклар оилада неча фарзанд бўлиши, уларнинг туғилиш орасида танасоф неча йил давом этиши билан деярли қизиқишмайди. Уларда жинсий ва репродуктив саломатлик тушунаси етарли шаклланмаган. Эркакларнинг контрацептив воситалар туруни танлашдаги иштироки ҳам талаб даражасида эмас. Оқибатда

## Репродуктив саломатлик

### У фақат аёлларга тааллуқлими?

лари ҳақида маълумотга эга бўлиш, жинсий йўл орқали юқадиган касалликлар йўлига ров қўйиш демакдир.

Репродуктив саломатлик ҳақида гап кетганда, ақсарият уни аёлларга тааллуқли, деб тушунадилар. Ваҳоланки, у бевосита эркакларга ҳам дахлдордир.

Эркаклар азал-азалдан оила устуни, хонадон посбони, фарзандларнинг суяган тоғи бўлиб келганлар. Барча ооҳалардаги масалалар ечимни уларга боғлиқ бўлгани каби репродуктив саломатлик муаммосини ҳал этишга ҳам уларни жалб этиш зарур. Гап шундаки, эркаклар ўз умр йўлдошларининг репродуктив саломатлиги ва фарзанд туғилишига доир масъулиятни қисман ўз зиммаларига олиш йўли билан аёлларни қўллаб-қувватлашлари мумкин.

БМТнинг Аҳолишунослик жағфармаси маълумотларига қараганда, дунёда ҳар йили 50 миллион нафарга яқин аёл аборт қилдиради.

жинсий йўл орқали юқадиган касалликлар кенг тарқаяпти.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз, жумладан, вилоятимизда ҳам турли нодавлат ҳамда давлат ташкилотлари томонидан репродуктив саломатликка доир қўллаб семинарлар, учрашувлар ўтказилаяпти. Уларда иштирок этаётганларнинг ақсарияти аёллар ташкил этапти. Бинебарин, бу масалага эркаклар ҳам бирдек масъул эканликларини тушунириш фойдадан холи эмас. Фикримизча, бу борадаги асосий муаммо зарур даражадаги маълумот ва ахборотларнинг етишмаслигидадир. Демак, тарғибот ишларини эркаклар кўпчилигини ташкил этадиган корхона ва ташкилотларда, шунингдек, маҳаллаларда олиб бориш фойдалари бўлади.

Матлуба ХОТАМОВА, Бухоро давлат тиббиёт институти кафедра мудири.

## Қиш бекорчилик фасли эмас

## Танлов адолатли ўтмоқда

Ҳозиргача 447 та ширкат хўжалигининг асосий ер майдонларида танловлар ақунланди. Мавжуд боғ ва тоқзорларни аукцион орқали сотиш амалга оширилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Қашқадарё вилоятида фермер хўжалиқларига берилиши лойиҳалаштирилган барча ер майдонларини танлов асосида ўтказиш ҳамда боғ ва тоқзорларни аукцион орқали сотиш тадбирлари ниҳоясига етди. Қолган вилоятларда фермер хўжалиқларига берилиши лойиҳалаштирилган ер майдонларининг 74-97 фоизини танлов қолиблари аниқланиб, ер майдонлари ажратилди.

Ўтказилган танловларда 69418 киши қатнашди. Шундан 24918 та талабгор 640,6 минг гектар ер майдонига қолиб деб топилди. Танлов қолибларининг 21733 таси ёки 87 фоизи янгидан ташкил этилаётган фермерларни ва 3185 таси ёки 13 фоизи қўшимча ер олган фермерларни ташкил этади.

## Сувни тежанг!

**Сув - бу ҳаёт! Демак, унинг томчиси ҳам ҳаёт! Худди ҳаётнинг лаҳзаси ҳам ҳаёт деган ақидани ёдга солади бу! Бугун сувни тежаш долзарб масалалар айланиб турибди. Сувни тежаш нафақат республика қишлоқ хўжалиги ривожини, балки иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа тармоқларининг тараққиётини ҳам белгилаб беради.**

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда, мамлакатимизда ўртача бир йилда 51363 миллион м³ сув ресурслари ишлатилади. Бунинг асосий қисми, яъни 92 фоизи сугоришга, 4 фоизи коммунал хўжалигига, 1,5 фоизи саноатга, 0,2 фоизи энергетикага ва 2,3 фоизи бошқа максалларга ишлатилади.

Сув ресурслари манбаларининг 61 фоизини катта дарёлар, 35,5 фоизини кичик дарёлар ва сойлар, 0,9 фоизини ер ости сувлари ва 2,6 фоизини коллектор-дренаж ва қайта ишлатиладиган сувлар ташкил қилади.

Жами сугориладиган ер майдони 4,3 миллион гектарни ташкил этиб, уларни ўз вақтида сув билан таъминлаш ва мелiorатив холатини яхшилаш учун 28,6 минг километр магистрал ва хўжалиқларор, 172,2 минг километр хўжалик ички сугориш тармоқлари, 54 та сув омборлари, 31,7 минг километр хўжалиқларор ҳамда 105,9 минг километр хўжалик ички коллектор-зовур тармоқлари ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари ишлаб турибди.

Қишлоқ хўжалик экинларини сугориш учун 2005 йилда бир гектар ерга республика бўйича ўртача 12,4 минг куб метр миқдорда сув сарфланган. Бу кўрсаткич Самарқанд ва Жиззах вилоятларида 10 минг метр кубни ташкил этган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикасида 16,1 минг метр кубни, Хоразм вилоятида 17,6 минг метр кубни ташкил этмоқда. Бундан кўриниб турибдики, бир гектарга сарфланадиган сув миқдори нисбатан кўпроқ миқдорда сарфланмоқда. Бу эса сув ресурсларидан янада самаралироқ фойдаланиш имкониятлари мавжудлигини кўрсатмоқда.

Нор ҚОБИЛОВ

## Замин «хамиртуруши»

**Аждодларимиз азал-азалдан кўз, киш даврида ерга маҳаллий ўғит солишга, уни зарур моддалар билан бойитишга, эски пахса деворлар бўлакларини, ариқ-зовурлар лойқаларини қўшишга катта эътибор бериб келган.**

Халқимизда "Ерни боқсанг, ер сени боқди" сингари қўллаб ҳикматлар юзага келганлиги ҳам бежиз эмас. Зотан, миришкор бободорлар эл-юртимизни маъмур этиш, она замин хазинасининг қалитини топиш ана шу ҳикматлар мағзини чақишда ва уларга амал қилишда эканлигини жуда яхши билдилар.

Кейинги йилларда маҳаллий ўғит жағмағиш, компост тайёрлаш ва ерни тўйитириш билан боғлиқ бошқа масалаларга эътибор янада кучайтирилди.

Паррандачилик фабрикалари, ширкат ва фермер хўжалиқларининг чорвачилик фермалари, хонадонлар молхоналаридан маҳаллий ўғит чиқарилиши билан бирга, ерни зарур моддалар билан бойитишининг янги имкониятларидан ҳам фойдаланилмаяпти. Зарур моддаларга бой ишлаб чиқариш чиқитлари, маийши ва канализация чиқиндилари ана шулар жумласидандир.

Уларни белгиланган жойларга етказиб бериш юзасидан графиклар тузилганлиги, махсус транспорт воситалари жалб этилганлиги ҳамда фойдаланиш коэффицентлари қатъий назорат қилиб борилаётганлиги диққатга сазовордир.

Республикаимизда 2005 йилнинг ноябридан 2006 йилнинг феврал ойи охиригача бўлган даврда 12 миллион 258 минг тонна маҳаллий ўғит жағмағиш белгиланган. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг олдинги маълумотларига қўра, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Хоразм, Навоий, Қашқадарё вилоятларида бу иш яхши кетмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида 765 минг, Бухоро вилоятида 982 минг тонна маҳаллий ўғит жағмағиш режалаштирилган бўлиб, шу соҳадаги топшириқлар ошириб бажарилиши шу минтакаларда маҳаллий ўғитни экин майдонларига

С.ЖўРАЕВ

ЦЕМЕНТ (Астана) 45,9 ▲ +0,5    УГОЛЬ (Бок) 12,7 ▲ +0,06    АРМАТУРА 475,8 ▲ +17,0    СУПЕРФОСФАТ 85,7 ▲ +22,1    АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 204,8 ▲ +11,9

